



# ТУРКИСТОН

1993 йил 17 август • Сешанба • № 95 (14123)

تورکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

## ЎШ: ДЎСТЛИК КЎПРИКЛАРИ МУСТАҚАМЛАНДИ

14 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов амалий ташриф билан Ўш вилоятда бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошлиқлари 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамкорлик имзоладилар.

— Собик иттифоқ ҳудудда ташкил топган мустақил давлатлар ўзларига хос тараққиёт йўлини белгилаб олдилар, — деди И. Каримов. — Жумладан, Қирғизистон ҳам ички ва ташқи сивастни, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ўзига мақбул йўлдан бормоқда. Шундай бўлсада, биз дили, тили, дини — ҳато бозори ҳам, мазори ҳам бир халқларимиз: ён қўшимиз бирор муаммага дуч келса, бир нарсадан қийналса, томошбин бўлиб қараб тура оламиз.

— Биз Ўзбекистон Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ташрифидан гоёт хурсандимиз, — деди Аскар Акаев олий мартабали меҳмонни қирғиз эли номидан қутлар экан. — Бундан икки ярим йил илгари республикаларимиз учун оғир пайтда — 1991 йилнинг апрел ойида мана шу заминда учрашиб, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга имзо қўчкан эдик. Шундан буён Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатларида анча-мунча ижобий ўзгаришлар рўй берди. Уйлайманик, бу галги учрашувимиз, унда қабул қилинадиган ҳужжат дўстона алоқаларимизни янада юқори босқичга кўтаришга асос бўлади.



Бугунги имзоланган ҳужжатни амалга ошириш бўйича эса иккала мамлакат Бош вазирларининг биринчи ўринбосарлари рақибликда ишчи гуруҳлари тuzилди. Хуллас, бизнинг муаммоларимизни бирор четдан келиб ечиб бермайди. Ҳаммасини ўзимиз ҳал этмоғимиз керак.

Биз мустақилликка эришгач, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлдики, уларнинг таъриби билан танишдик, ҳаётини ўргандик, — деди Қирғизистон Президенти А. Акаев. — Лекин сувимиз, еримиз бир бўлган Ўзбекистон билан дўстлигимизга ҳеч нима тенг келолмайди. Ислам Абдуганиевич таъкидлаганларидек, ҳақ тақдир бир экан, унинг иқтисодий ҳам бир бўлади. Яна ширин айтишим керакики, бу бирлик бизнинг мустақил давлатлар сифатида қудратимизни ҳам бир ўзига солади, кучайтиради.

Ўзбекистон ҳукумати, Каримов бизга ҳар жиҳатдан ҳайрланарлиқ қилиб, дунё миқёсидаги ишларда қўллаб-қувватлаб келляпти. Биз бундан бениҳоя миннатдоримиз.

Шуни таъкидлаш зарурки, Ўш кўчаларини тўлдирган шаҳар жамоатчилиги меҳнаткорлар, ёшлар вакиллари азиз меҳмонни шоду хурсандлик билан қутиб олдилар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифини қизғин кутлядилар.

Ўш вилояти ҳокимлигида икки давлат ўртасидаги 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатни имзолаш маросими бўлди. Унда Наманган, Андижон, Фарғона, Жалолобод ва Ўш вилоят ҳокимлари ҳам иштирок этдилар. Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашув бўлиб ўтди.

— Бугун тасдиқланган ҳужжат амалий алоқаларимизни кучайтиришга хизмат қилади, — деди И. Каримов журналистларга. — Бунинг учун, аввало, иқтисодий ҳамкорлигимиз йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишимиз зарур.

Шундан сўнг И. Каримов билан А. Акаев мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Қорасув тумани Курмонжон Додхо номлидаги жамоа ҳужалиги меҳнаткашлари билан учрашув ҳам самимий ўтди. Ўзбекистон Президенти теҳнолонларнинг ишлари билан танишди, пахта, маккажўхори кеби экинларнинг ривожини кўздан кечирди.

Дўстона ташриф ниятига етди. Икки халқ ўртасидаги дўстлик кўприклари янада мустақамланди. Бу эса иқтисодий алоқаларимиз самарали бўлишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Ўш вилоятига сафарига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Т. Мирўқубов ҳамроҳлик қилди.

**Аҳмад ХУЖА,**  
**Карим НИЗОМ,**  
**Ў.А. МУХБИРЛАРИ.**

СУРАТДА: иккитомолама ҳужжатларини имзолаш пайти. А. ЗУФАРОВ сурати (Ў.А.).

## ЎҚИШ ҚАЧОН БОШЛАНАДИ?

КЕЙИНГИ КУНЛАРДА Тошкентда миш-мишлар пайдо бўлиб қолди. Нима дейсан, ўқиш одатдагидек сентябрь бошида эмас, октябрда бошланар экан. Биров 1 октябрда деса, яна бирови сал нарини — 15 октябрни чамалайди.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деганча ҳақиқатни аниқлаш учун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига кўнйроқ қилдик.

— Бўлмаган гап, — деди саволимизни эшитиб юрт умумий таълим бош бошқармаси бошлиғи Маҳмуд Йўлдошевчи Қосимов қатъият билан. — Бу ҳам мустақиллигимизни қўролмаган мунофиқларнинг наватдаги иғвоси. Ҳозиргина вазириликнинг ҳузуридан чиқдик. У ерда ҳам бу миш-мишлар

ҳақида гап бўлди ва бу миш-мишларнинг пайини қирқиш учун тегишли топшириқлар берилди. Сиз ҳам ўз муштарилингизга етказиб қўйишингиз мумкин: янги ўқув йили худди бултургидек 2 сентябрдан бошланади.

— Биз ҳар янги ўқув йилининг биринчи дарси муайян бир мавзу билан бошланшига ўрганиб қолганимиз: Тинчлик дарси. Мустақиллик дарси...

— Бу йилги биринчи дарс мавзуси ҳам юқоридагиларнинг мантйиқ давоми, деб айтиш мумкин. Биз мактабларга бу ҳақида анча илгари ўз тавсияларимизни юборганми. Уйлайманки, истиқлолимизнинг янги йиллиги нишонланаётган кунларда давлатимизнинг Бош қонуни

тўғрисида ўқувчиларга тушунча бериш аини мудоао бўлади. Шу кунни мактабларда давлатимиз рамазлари — байроғимиз ва мадҳиями ҳақида ҳам суҳбатлар бўлиб ўтади.

Хуллас! ҳозир ҳар хил иғвогарларнинг миш-мишларига қўлоқ солмасдан, яқинлашиб келаётган байрамимизни муносиб нишонлаш ҳақида бош қотирадиган пайт. Чунки байрам тантаналари нафақат сайлгоҳларда, майдонларда ва болларда, шунингдек, мактабларда ва ўқувчилар уйларида ҳам бўлиб ўтади. Шу муносабат билан яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқчиман: ўқиш 2 сентябрдан бошланади!

Муҳаммад ЗАИНИДДИН.

**«БОЙЧЕЧАК» — БОЛАЛАРГА**

Шу кунларда бутун республикамизда бўлгани каби, Тошкентдаги маданият ва истироҳат болларига ҳам Мустақиллик кунига қизғин таралдув қўрилмоқда. Жумладан, болаларнинг сеvimли маскани «Бойчечак»да ҳам аини иш қизғин пайт.

— Очиғини айтсам, — дейди боғ директори Ваҳром Солиев, — ҳар томонлама мақтана олмаимиз, чунки бир киловатт электр қуввати учун 23 сўм 50 тийин, сувдан фойдаланганимиз учун ойига 208 минг сўм тўлашимиз. Шундай бўлсада, боғимиздан болаларнинг қувноқ овозларини эшитилаётганидан, улар бу ерда мириқиб дам олишаётганидан хурсандимиз. Уларнинг хурсандчилигини янада ошириш мақсадида кўп қатори биз ҳам байрамга қизғин таралдув қўрмоқдамиз.

Чиндан ҳам боғни кўрган кишининг кўзи қувнайди. Атрофлар тозаланган, аттракционлар бўялган, мойланган, дарахлар оқланган, ҳовузалар тозаланган. Шу ўринда Мустақиллик кунига алоҳида тадбирлар белгиланганини таъкидлаш лозим. Уша кун уларга қўшни қўнғирчоқ театри жамоаси, боғда ташкил этилган янги ансамбли, агрегат заводининг хаваскорлик ансамбли ҳамда Илҳасарой тумани Маданият уйи бадий жамоаси ҳам шу ерда болаларга хизмат қилишди. Бир сўз билан айтганда, «Бойчечак» — болаларга хурсандчилик, қувноқлик улашиш янги янгида.

**М. АБДУСАМАТОВА.**



**ДОРИ-ДАРМОН СОВГА ҚИЛИНДИ**

Япония ва Швейцариядан Тошкентга инсонларлик совга-саюмлари келди. Улар Ўзбекистоннинг даволлаш муассасалари жуда муҳтоқ бўлиб турган дори-дармонлардан иборатдир.

Чунки, Швейцариянинг фармацевтика маҳсулотлари билан машҳур «Сибегейт» фирмаси бод ва асаб касалликларини даволлаш учун мўлжалланган дори-дармонлар юборган. Япониядан Ўзбекистонга дори-дармонлар эса, бемор болалар ва оналар дардини енгиллаштиради.

Дори-дармонлар Ўзбекистон пойтахтидаги биринчи шаҳар болалар бирлашган шифохонасига, Тошкент тўқимачилик комбинатининг медицина-санитария бўлимига, Тошкент тибобий институтларининг клиникаларида, Андижон, Самарқанд ва бошқа вилоятлар марказларининг турғуқхона ва шифохоналарига етказиб берилди.

**«ГРАНИТ» МАРМАРГА ИШЛОВ БЕРАДИ**

Ҳазратдаги «Гранит» заводи ўз маҳсулот турларини яна биттага кўпайтирди. Бу ерда энди мармәр плиталар ишлаб чиқаришга киришилди.

Яқин-яқинда қорхона фақат гранитга ишлов беришга иктисослашган эди. Шунинг учун ҳам деврли даромад келтирмасди. Банк кредитлари ҳисобига мармарга ишлов берадиган жиҳозлар сотиб олинди.

«Гранитнинг» бу ташаббусидан истеъмолчилар ҳам, тоштарошлар ҳам фойда кўра бошлади. Чунки, мармарга талабнинг кўлиниши туфайли тоштарошларнинг ҳам иши кўпайди. Мармарга ишлов берадиган бундай жиҳозларни республиканинг бошқа тоштарош қорхоналарида ҳам ўрнатилиши мўлжалланяпти.

## «Сизлар бизга ёқиб қолдингиз...»

Серқуёш Ўзбекистон замини, унинг меҳмоннавоз халқию, жаннатмакон гўша-ларини қайси хорражликни мафтун этмаган дейсиз! Истиқлолга эришганимиздан сўнг уларнинг қадами юртимиздан узилмай қолди. Она Тошкент, қадим Бухоро, тарих билан тиллашувчи Самарқанд, кўна Хива ва сўлим Фарғона гоҳ Оврүлодан, гоҳ Амриқоддан, гоҳ Оснб ва гоҳ Африқадан таъриқ бурюрган сайёҳларнинг, ишбилармонларнинг, тижоратчи ва расмий делегацияларини ҳақиқий ўзбекона тақаллуф билан қутиб, хуш кайфият ва тавозе билан кузатиб қўймоқда.

Амриқо Қўшма Штатларидаги бир қатор ўқув юрларида таҳсил олувчи ёшлар вакилларининг республикамизга ташрифи тўғрисида «Туристон» муштариёларини илгарироқ хабардор қилган эдик. Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан амриқоликларнинг республикамиздаги сафарлари давом этипти.

Улар бир ҳафта муқаддам Қўтон шаҳрида катта шодналар билан қутиб олинди. Фарғоналик ёшлар, шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, меҳнат фахрийлари меҳмонларни бир пилла чой устида суҳбатга чорладилар. Қўтоннинг ўтмиши ва бугунги тараққиёти ҳақида дилдан сузлаб берилди. Амриқолик ёшлар ўтган асрнинг энг ноёб ёд-

горликларидан бири — Қўтон хоини Худойёрхон арқини зейрат қилишди. Урда меймарчилиги, тақорланмас миллий жиҳозлар уларда гоҳ қизиқтири уйғотди. Марҳум ва машҳур уста, ганчкорлик ва ўймакорлик санъатининг катта намояндаси Қодир ота Ҳайдаров устахонасида бўлиб ўтган учрашув, айниқса, эсда қолади бўлди.

Фарғона — тумани Маркази — Водил қишлоғи меҳмонларни қарнай-сурнай, анвойи гул-чечаклар билан қарши олади. Бу ерга қадам ранжидан қилганлар Водилнинг фахри — минг йиллик чинорларни томоша қилишмасдан кетишмайди, бу сафар ҳам шундан бошланди. Водилликлар азалдан қўли очиб ва танти кишилар. Тумани ҳокими ва ёшлар вакиллари азиз меҳмонларини «Ўзбекистоннинг Швейцарияси» — хушқаво Шоҳмардонга тақлиф этдилар. Хорражликлар энг юқори тонфадаги дам олиш уйларида тўрт кун давомиде мириқиб хорраж чикаришди. Бу орада меҳмонлар Фарғона шаҳридаги ўлкан ўрганш музейида, миллий хунармандчилик устахоналарида, Марғонин бозориде, «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Дельфин» сув спорти мажмуида бўлишди, тенгдошлари даврасида, очиқ мулоқотларда қатнашди.

Гуруҳ раҳбари, ўттиз тўққиз ёшли инженер Ян Я. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигини, аҳил ва ваэминли-

гини қайта-қайта таъкидлаб:

— Қани энди Ўзбекча тўйма-маросимларини ҳам бир кўрсак, — деган тақлифни қилариди. «Меҳмон отангдан улуғ» деган гап бор шарҳликларда. Фарғоналик ёшлар уларнинг сазасини ёшлар уларинишди. Амриқолик ёшлар Рицтон шаҳридаги Дилоромхон ва Ботиржон Зиевлар хонадониде бўлиб ўтган суннат тўйиде иштирок этишди. Ўзбекча таомлар тайёрлаш, меҳмон кутиш-кузатиш, суннат маросимларини ўз кўзлари билан кўришиди. Машҳур ҳофиз Таванқал Қодиров ижросида оғиздан-оғизга ўтиб келаётган ўлмас қўшиқларни ҳузур қилиб тингладилар. Гарчи орадан масофа минглаб қақириб бўлсада, гарчи тили, урф-одати, турмуш тарзи, ўзбекларнинг анча фарқ қилсада, улар дунёда ўзбек деган улаб бир миллат яшаб келаяётганини, унинг маслаги тинчлик ва тараққиёт эналитини ич-ичларидан ҳис этишган бўлса, акаб эмас.

Констанс Мисстели, Омар Иммани, Валеро Пол, Жимми Перу... Улар Ўзбекистон ҳақида узоқ Амриқода ҳали кўп гапирдишди.

Кунни кеча меҳмонлар Гуручи Бешариклар «Боғи-шамол» дам олиш масканида фарғоналиклар билан хайр-хушлашиб, Тошкентга қайтишди. Худди эски қадрдонлардек қучоқ очиб хайрашаётган амриқолик қиз — Востон уни-

верситети талабаси Бербуди Жаннидан Фарғона, умуман, Ўзбекистон замини ҳақидаги таассуротларини сўраб қурдик.

— Сизлар бизга ёқиб қолдингиз! — деди у. Қисқаргина, оддий ва самимий хулоса эди Жаннидин сўзлари. Биз меҳмонларни ортиқ саволга тутмадик. Мана шу икки оғизгина сўзнинг қатридан хотиржамлигини ва яхшилигини туйдик.

Қўшма Штатлардан келган меҳмонлар кун-кеча Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида қабул қилинди. Марказқўм сарқотиби Адҳамжон Ораиматов амриқолик ёшларнинг республикамиздаги таътил кунлари қандай ўтганлиги билан, уларнинг таассуротлари билан қизиқди. Ҳар икки мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстлигини янада ривожлантириш ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди. А. Орзиматов юртига жўнаб кетаётган меҳмонларга оқ йўл тиллади...

**Рустам бой МУХАММАД**  
**«Туристон» мухбири.**  
**СУРАТДА: амриқоликлардан бир гуруҳи.**



## Ўзбекистон-Ватаним маним

**КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ**

Ўзбекистон давлати мустақилликка эга бўлгандан бери ўтган икки даврада республикамиз ҳаётининг барча жаҳатларида янги дўғиларга эришилмоқда. Жисмоний тарбия ва спортда бу давр қандай из қолдирди Ўзбекистон миллий ахборот агентлигининг мухбири Т. Голубина республика Давлат спорт қўмитаси раиси Собир РУЗИЕВга ана шундай савол билан мурожаат қилди.

биз ва спорт тўғрисида кунини қабул қилди. Бу ҳужжат муҳим социал-иқтисодий соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва адалий асосларини, унинг узоққа мўлжалланган мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Буюк келажак сари бораётган мустақил давлатда жисмоний тарбия барчилани эҳтиёжига айланishi керак. Бу — саҳий заминимизда яшаётган ва меҳнат қила-

ётган ҳар бир кишининг саломамлигини мустақамлашга ёрдам беради. Одамларнинг салаоматлигини эса республика Президенти И. Каримов давлатнинг энг муҳим бойликлари билан бири, деган.

Байрам арафасида бутун республикадан хушхабарлар келиб турибди. Чунки, Фарғона вилоятининг Учқўриқ туманида ўн минг ўринди янги стадион қурилди. Тош-

кентнинг Яқкасарой туманида спорт майдончалари барпо этилди. Ўзбекистон пойтахтида қад кўтараятган «Динамо» спорт зали битаяди...

Ҳозир жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларимиз солин 5,3 миллиондан ошиб кетган. Улардан кўпчилиги оширилган мураккаб морфативларни бажаришга муваффақ бўлдилар. Миллиондан ортиқ киши эса, салаоматлигини мустақамлаш билан бирга, спорт секцияларида машғулотларни давом эттирмоқдалар. 200 га яқин стадион, тўрт ярим мингдан ортиқ спорт заллари, 128 та чўминлих ҳовузулари, 30 мингдан зиёд ўйин майдончалари ва фрутбол майдонлари спортчилар

ихтиёрига бериб қўйилган.

Спорт кураши, чавандозлик ўйинлари ва мусобақаларни янги сарҳадларга чиқиб олди. Бунга республика ҳуқуқийнинг спортнинг миллий турларини ривожлантириш боросидаги тахкурлиги туфайли эришилди. Буюк тарбия боболаримиз, машҳур тарихий ва давлат арбобларига атаб атлетикчиларнинг халқаро беллашувларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди.

Шу йил баҳорда Жиззаҳда биринчи марта спортнинг миллий турлари ва халқ ўйналанди. Бунинг фестивал ўтказилди. Бу эсда қоландиган байрам қўллаб ёшларни ўзига жалб этди. Фестивал дастурига нодир айриқлари бутунлай унутиб юборилган халқ ўйинларини қирғилди. Бундай учрашулар эндиладиде ҳар йили ўтказилиб турилади.

Ўзбекистон вакиллари юксак маҳорат намойиш этиладиган беллашуларда ҳам му-

касбларимизга ҳамкорлик қўлини чўзишга тайёрмиз.

Октябр ойида Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги кўноғи учун боксчиларнинг халқаро турнири бошланади. Беллашуларда қатнашиш учун яқин ва узоқ хорраж мамлакатларининг «Чарм қўлоқ» устаслари тақлиф этилган. Ҳаммаскор боксчилар халқаро ассоциациясининг раҳбарлари ҳам мазкур турнирга келиш истагини билдирдилар.

Биз миллий чемпионатларини тез-тез ўтказиб туриш билан ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги узилиб қолган спорт алоқаларини муайян даражада тиклашга ҳаракат қиламиз. Бу мусобақалар илгари «Союз» қолб келган кўпгина аялөтлар, шарҳлар, туманлар вакиллари катта спорт майдонига олиб чиқишга имкон бермоқда.

**(Давоми 4-бетда.)**

**«ПАЗИЗОД» ЕШЛАРИНИНГ ҲИММАТИ**

Куни кеча «Пазизод» номли Тошкент тикунчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида бирлашма Ешлар Иттифоқи ташкилоти ташаббуси билан Республикаимиз мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган ёшлар шабалига ўтказилди. Шабуақилдан тушган 850.000 сўм пулни эса «Соғлом аллод учун» жағмарнасига ўтказишга қарор қилинди.

**В. НАЗАРОВ.**







